O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 221299

**Da'vat**

Энг мақбул фазилат — Ватанга ва одамзотга кўрсатилган хизматда.

Жак Делиль

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 11 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 98 (7191)

**Ibrat**

Уйчи тумани халқ таълими бўлими қошида махсус жамғарма ташкил этилди. Мақсад ушбу жамғармада йиғилган маблағ эвазига тумандаги ҳар бир мактабни компьютер синфлари билан таъмин этишдир.

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

**ЖИЗЗАХ.** 9 декабрь куни Жиззах шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Жиззах вилояти меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар, хотин-қизлар ва зиёлилар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Хидир Шукуров очди. Сўнгра номзоднинг ишончли вакили, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, тарихий ҳақиқат ва миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ижтимоий сиёсат, тамомила янги ўзига хос таълим тизимини яратиш, жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишдаги улкан хизматларини қайд этди. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Ислом Каримовнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги борлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов сайловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. Ислом Каримов Жиззах вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мазкур воҳада ислоҳотлар изчил давом этаётганлигидан далолат беришини таъкидлади.

Нотиқ Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга яқинда ўтказилган сайловларга муносабат билдириб, халқимиз тафаккурида рўй берган ижобий ўзгаришлар тўғрисида сўз юритди. Жиззахнинг азалдан буюк зотларга бешик бўлганлиги хусусида, вилоят заминида жуда катта имкониятлар мавжуд эканлиги, уларни ишга тушириш учун яна нималарга эътибор бериш лозимлиги борасида амалий ва ҳаётий таклифларини айтди.

Жумладан, вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди. «Жиззах халқининг ҳурматини жойига қўйсангиз, жонини беради».

Ислом Каримовнинг бу даъвати сайловчилар томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинди.

Шундан сўнг сайловчилар сўз олишди. «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Сайёра Тўйчиева, Жиззах олий авиация билим юрти взвод командири Шокир Холиқов, Жиззах тиббиёт билим юрти талабаси Барно Қодирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шу боисдан ҳам 2000 йил 9 январь куни якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини билдирдилар.

**Мусулмон НАМОЗ (ЎзА).**

* * *

**ГУЛИСТОН.** Ҳар қандай мамлакатда сайловлар, энг аввало, халқ ишончининг ифодасидир. Сайловчиларнинг бу жараёнда қай даражада иштирок этиши одамларнинг ҳокимият идораларига, раҳбарларга ишончининг белгисидир. Олий Мажлисга куни кеча бўлиб ўтган сайловларда аҳолининг фаол иштироки ўзбекистонликларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига, турмушимизнинг фаровонлашуви, буюк келажагимизга ишонч билан қараётганлигини кўрсатади. 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам ана шундай юксак руҳда ўтишига шубҳа йўқ. Бу Президентликка номзод Ислом Каримовнинг жойларда сайловчилар билан ўтаётган қизғин учрашувларида яққол намоён бўлмоқда.

10 декабрь куни Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Президентлигига Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Вилоят меҳнаткашлари, сиёсий партиялар, ҳокимият идоралари вакиллари, зиёлилар, маҳалла оқсоқоллари, талабалар давлатимиз раҳбарини «Ислом Каримов — Ватан озодлиги, элюрт равнақи тимсоли!», «Президент Ислом Каримов билан XXI аср сари!» каби шиорлар билан қарши олдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси раиси А.Муҳаммедов очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, Боёвут туманидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Сайдулла Абдуқодиров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши, мустақиллик йилларидаги жадал тараққиёти, халқаро майдондаги юксак нуфузи Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай улкан ва хайрли ишлар ҳозиргидек изчил давом этмоғи лозим. Ислом Каримов эса ўзининг халқпарварлиги, мардлиги, узоқни кўра билиши билан халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган.

Учрашувда Президентликка номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз бўлажак сайловда номзодини кўрсатгани учун халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши аъзолари, барча сирдарёликларга миннатдорлик билдириб, истиқлол йилларида бу заминда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очиб бораётганини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ҳақида гапирар экан, бунинг учун, аввалambor, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш зарурлигига тўхталди.

Сирдарё вилоятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш вақти етди. Бу дастур барча сирдарёликлар томонидан муҳокама қилиниб, республика ҳукумати миқёсида қабул қилиниши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими раиси М.Нўъмонов, вилоят «Оналар ва болалар» марказининг шифокори И.Каримова, Янгиер шаҳар 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Т.Вовнякова, Сайхунобод тумани Т.Ғуломов номли ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Т.Мирзаев, Гулистон давлат университетининг талабаси Д.Рўзибоева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимининг масъул ходими Ҳ.Ортиқбоева Йўлбошчимиз бошчилигида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганини, жумладан, Сирдарё вилоятида ўнлаб замонавий маъмурий бинолар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари бунёд этилганини қайд этдилар. Шу боис халқимиз бўлажак Президент сайловларида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашига ишонч билдирдилар.

Учрашувни якунлар экан, Ислом Каримов самимий сўзлар учун сирдарёликларга ҳурмат-эҳтиром изҳор этиб, эртанги ёруғ кунларга ишонч халқимизни бирлаштиришини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА мухбирлари**

## JUMLADA JAHON

**• Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фиқҳ оламининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.**

**• Ўзбекистон Академик рус драма театрида бўлиб ўтган митингда иштирок этган мамлакатимиз театр арбоблари, санъаткорлар ва санъат олий ўқув юртлари талабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов овозини қўллаб-қувватлаяжакларини билдиришди.**

**• Бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз Ироқ ҳукуматининг "нефть эвазига озиқ-овқат" дастури борасида БМТ билан яна 6 ой ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги ҳақида Кофи Аннанга маълум қилди.**

**• Халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган иқтисодий жазо чоралари бутунлай бекор қилинмас экан, расмий Бағдод БМТнинг ҳеч бир резолюциясини бажармаслигини билдирди.**

**• Босния ва Герцеговинага ташриф буюрган Туркия Президенти Сулаймон Демирэл расман Анқара мазкур давлат билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини айтди.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ҲАМОН ХАБАР ЙЎҚ

**АҚШ мутахассислари томонидан фазога учирилган "Марс полар лэндер" автоматик станцияси режага кўра, 3 декабрдаёқ Марс сайёрасига қўниши ва Ерга хабар йўллаши керак эди. Афсуски, станциядан ҳамон хабар йўқ. НАСА вакиллари тахминича, сайёралараро учувчи навбатдаги қурилма ҳам муваффақиятсизликка учраб, ҳалокатга йўлиққан бўлиши мумкин.**

### ҚАРҒАНИНГ ҚОБИЛИЯТИ

**Олмониялик фуқаро В.Боденшац бир неча йилдирки, Райби лақабли қарғани парваришлаб келади. Энг эътиборли жиҳати парранда соҳибининг Райбига бир қанча сўз ва ибораларни талаффуз қилишни ўргата олганлигидир. Айни пайтда мутахассислар томонидан қарғадаги бу қобилият синчиклаб ўрганилмоқда.**

### ИҚРОР БЎЛИШДИ

**Американинг Туэсон шаҳри мактабларидан бирида "Математикасиз кун" ўтказишга ва бу кун давомида саноқдан, ҳисоб-китобдан, соат ва календарь рақамларидан, умуман математикадан фойдаланмасликка аҳд қилишди. Бироқ, кун сўнгида бу фанга мутлақо қизиқмайдиган ўқувчилар ҳам иқрор бўлишдики, математикасиз яшаб бўлмас экан.**

### МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

**Англиядаги тажриба хўжаликларидан бирида қўйларга ясама тиш ўрнатиш тажрибаси синаб кўрилди. Ушбу тажрибани ўтказган мутахассисларнинг таъкидлашларича, қўйлар тишлари тезда ярамай қолиши натижасида, керагича овқатлана олмай қолади. Сунъий тиш эса, қўйлар умрининг узайишига ва чорва маҳсулдорлигининг ошишига олиб келади.**

# ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида ЎзХТВда ҳам халқ таълимига тегишли ташкилотлар вакилларига Давлат мукофотлари топширилди. Мукофотланганларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев самимий табриклади.

Сўнгра улуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ҳақида сўз борди. Мукофотларни айнан байрам арафасида топшириш анъанага айланаётгани таъкидланди. Тадбир якунида давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фаол қатнашган мутасаддилар ҳам вазирликнинг пул мукофотлари билан тақдирландилар. Мукофотланганлар таълимни ривожлантириш ҳамда ўзларига билдирилган ишонч йўлида янада катта куч ва ғайрат билан меҳнат қилишларини баён этдилар.

* * *

Ҳар гал мамлакатимиз Бош Қонуни қабул қилинган сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ҳаётимизнинг турли соҳаларида тинимсиз меҳнат қилиб, эл-юрт обрў-эътиборига сазовор бўлган, ўз самарали меҳнатлари билан ёшларга ибрат кўрсатган ҳамюртларимизни давлат мукофотлари билан тақдирлаш анъанага айланган. Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан республикамизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун тақдирланган оммавий ахборот воситалари вакилларига юксак мукофотлар топширилди.

Тантанали тадбирда мустақиллик йилларида айнан матбуот ходимларига эътибор кучайганлиги, оммавий ахборот воситаларининг халқимиз орасида обрў-эътибори кун сайин ортиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Журналистларнинг ўткир сўзи, теран фикри, жасурлигию мардлиги бугунги кунда жамиятимиз учун зарурлиги, шу маънода журналистлар бу йил илк бор "Жасорат" медалига сазовор бўлганлиги ҳам эътироф этилди.

Тадбир ниҳоясида бир гуруҳ мукофотланган оммавий ахборот воситалари вакиллари халқимизга, Президентимизга ана шундай ғамхўрлиги ҳамда меҳнатлари юксак баҳоланганлиги учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

**Н.УСМОНОВ**

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Мажлисни мазкур комиссия раиси Н.Комилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-ва 46-моддаларига мувофиқ шу йил 5 декабрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайловнинг республика бўйича натижалари тасдиқланиб, Олий Мажлисга сайланган депутатлар рўхатга олинди.

Мажлисда Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун мамлакат бўйича 250 та округ сайлов комиссияси ва 7 минг 723 та участка сайлов комиссияси тузилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлардан 1010 нафари, жумладан «Адолат» социал-демократик партиясидан 119, «Ватан тараққиёти» партиясидан 108, Миллий тикланиш демократик партиясидан 93, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 207, Халқ демократик партиясидан 180, ҳокимият вакиллик органларидан 205 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 98 нафар номзод сайлов бюллетенларига киритилди. 28 сайлов округида 2 нафардан, 57 сайлов округида 3, 82 сайлов округида 4, 53 сайлов округида 5, 22 сайлов округида 6 ва 9 сайлов округида 7 нафардан номзод овозга қўйилди.

Республика бўйича 12.692.202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилиб, уларнинг 12.061.266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

250 округнинг барчасида сайловчилар овоз беришда қатнашганлиги таъкидланиб, уларда ўтказилган сайловлар ҳақиқий деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра 184 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайланган. Улар орасида «Адолат» социал-демократик партиясининг 9 нафар, «Ватан тараққиёти» партиясининг 9, Миллий тикланиш демократик партиясининг 6, Фидокорлар миллий демократик партиясининг 19, Халқ демократик партиясининг 32, ҳокимият вакиллик органларининг 98 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 11 нафар вакили бор. Депутатликка сайланганларнинг 11 нафари хотин-қизлардир.

Таъкидланганидек, республика бўйича 66 та сайлов округида депутатликка номзодлардан ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олаолмади. Бундай ҳолларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ юқоридаги каби округларда сайлов ўтказилган кундан кейин икки ҳафта ичида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказилиши лозим. Шу сабабли 66 сайлов округида 1999 йил 19 декабрь, якшанба куни такрорий овоз бериш ўтказилишига қарор қилинди.

Олий Мажлис депутатлигига сайлов жойларда қонунийлик, ошкоралик, тенглик ва демократик тамойилларга қатъий амал қилинган ҳолда юксак савияда ўтди. Сайлов Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш сари дадил, собитқадамлик билан илдам бориллаётганлигининг, халқимизнинг сиёсий онги ўсганлигининг ёрқин исботи бўлди. Сайловлар халқаро андозалар талаблари асосида ўтди. Уларда 15 давлат ва 7 халқаро ташкилотдан вакиллар кузатувчи сифатида қатнашди.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Олий Мажлис депутати этиб сайланганларнинг рўйхати республика Марказий ва маҳаллий матбуотида эълон қилинади.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси бўлди. Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов журналистларни Олий Мажлисга ўтказилган сайловнинг натижалари билан таништирди ҳамда уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**(ЎзА)**

Фикрга муносабат
2-бет

«Маърифат» маслаҳатхонаси
2-бет

Тарих атамаларини изоҳлай оласизми?
3-бет

Ўқувчи нигоҳидаги ўқитувчи
3-бет

**Tajriba-sinov maydonchalarida**

# «КИЧИК АКАДЕМИЯ»НИНГ ЎҚУВЧИ – «АСПИРАНТ»ЛАРИ

Бугун боболаримиз орзу қилган маърифатли жамият, баркамол авлод ғояси, тарихимизнинг қайтадан юз очаётганлиги, кучли давлат арбоби, муҳтарам Президентимизнинг илмий асосланган сиёсатига айланди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида ҳамда ХТВнинг 152-сонли қарори натижасида бугун бизнинг қадрдон мактабимиз республикадаги тарих фанига ихтисослашган намунали мактаблардан бирига айланди. Бу қарорлар М.Ҳасанова бошчилигидаги мактабимиз жамоасига катта қувонч ва масъулият юклади. Мактабимизда бевосита кўпгина мутасадди ташкилотлар ёрдамлари билан катта ўзгаришлар содир бўлди. Бугун бу ўзгаришлар ўқув жараёнининг сифатини янада яхшиламоқда.

Ана шундай ишларимиздан бири мактабимизда 1997/98 ўқув йилидан фаолият кўрсатаётган "Кичик Академия" фаолиятида ҳам кўринмоқда. "Кичик Академия"миз махсус Низом ва Уставига эга бўлиб, ўқувчиларимизнинг маълум фандан тайёрлаган илмий рефератларини илмий асосда ҳимоя қилинишига йўналтирилган эди. Мактабимизнинг тарих фанига ихтисослашган мақомни олиши "Кичик Академия"миз ишини ҳам такомиллаштиришимизга асос бўлди.

(Давоми 2-бетда)



*Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 204-боғча-мактаб мажмуаси инглиз тили ўқитувчиси Латофат Холиқованинг дарслари ҳамиша жонли мулоқот асосида ўтади. Чунки у ҳар бир дарсда техника воситаларидан ҳамда кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланади.*

***Суратда: фидойи муаллима Латофат Холиқова 4-синф ўқувчиларига лингофон ёрдамида дарс олиб бораётир.***

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

**Mulohaza**

# ИНТИЗОМ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Оддий ўқитувчи сифатида мени мактаблардаги интизом масаласи ўйлантиради. Ўқувчилар залда ҳам, синф хонасида, ҳаттоки дарс вақтида устозлар олдида ҳам бир-бирларига нисбатан қўпол, ҳақоротомуз сўзларни жуда кўп ишлатишади. Устозлар танбеҳи, менинг назаримда, ўқувчилар учун одатий ҳолга айланган. Ҳамкасбларим чекка-чеккада аҳвол нега бундай қабилида гап қилишади., Аммо буни очиқ-ойдин айтишдан истиҳола қилишади. Чунки айрим мактаб раҳбарлари "Бунга сиз айбдорсиз", деб қолишлари табиий. Шу боис ҳам бутун айбни ичларига ютиб, "Яхши, ҳаммаси жойида" каби осонгина жавоб беришга ўтиб олишган. Аммо тартиб-интизом учун нега фақат ўқитувчи жавобгар бўлиши керак, деган савол, тўғриси, барча ўқитувчиларни ҳам ўйлантирса керак.

Юқори синф ўқувчилари на устозга, на ота-онага ҳурмат билан қарайдилар. Хўш, ёшларимиз чет эллик тенгқурларига тақлид қилишяпти ҳам дейлик, ота-оналаримизнинг кўзи қаёқда? "Ўзлик" деган тушунчамиз, миллий қадриятларимиз бу билан ерга урилмаяптими?

Мактабда таълим бераётган устозлар танбеҳ берганда ўқувчи гап топиб сувдан қуруқ чиқади. Хўш, бунинг учун ўқитувчи айбдорми?

(Давоми 2-бетда)

(Боши 1-бетда)

Tajriba-sinov maydonchalarida

## «КИЧИК АКАДЕМИЯ»НИНГ ЎҚУВЧИ – «АСПИРАНТ»ЛАРИ

Биз Илмий Кенгашимиз аъзоларига Тарих институтининг ходимларидан ҳам вакиллар киритдик. 1999/2000 ўқув йилидан эса ЎзР ФА Тарих институти билан тарих фанига ихтисослашган 216-махсус мактаб "Кичик Академия"сининг ҳамкорликдаги иш режасини тузиб чиқдик.

Бу режада кўрсатилган "ҳимоя"даги илмий ишларга раҳбарлар Тарих институтининг ходимларидан белгиланди. Бу ўзгариш 1- ва 2-шаҳар семинарларимиздаёқ ўз самарасини берди. Маълумки, жамиятимизда қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг моҳиятини, аҳамиятини фуқароларимиз тушуниб етсалар бу қарорлар ўз натижасини беришини биз педагоглар амалиётда кўп синаганмиз. Мактабимизнинг тарих фанига ихтисослашган махсус мактаб мақомини олиши, тарих фанига қизиқувчи шу фаннинг ҳақиқий тадқиқотчиларини мактаб давридан тайёрлаш масъулиятини янада оширди. Бу вазифани бажаришда, ўқувчиларни илмий тадқиқотга йўналтиришда "Кичик Академия"миз ҳам ёрдам бериши мумкинлигини 1999 йилнинг 14 апрель ва 27 октябрь кунларида ўтказилган амалий семинарларимиз исботлаб берди. Ҳаракатдаги семинарларимизни ўтказиш эса анъанага айланиб бормоқда.

"Кичик Академия"нинг 14 апрель кунги семинарида уч ўқувчимиз: Гулҳида, Турсуной ва Ойбек, ўзларининг илмий раҳбарлари, ЎзФА Тарих институтининг директори, профессор М.Исҳоқов ва мазкур институтнинг аспиранти А.Холматов бошчилигида "Авесто" ва Суғд маданияти бўйича илмий ишлар ёзишиб, семинарда муваффақият билан қатнашди. "Ҳимоя" самараси бўлса керак, бугунга келиб Гулҳида иқтисод лицейида, Ойбек Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг тарих факультетида таҳсил олмоқдалар, Турсуной эса тарихга ихтисослашган 10 - "А" синфида ўқимоқда.

Бугун яхши ниятлар билан "аспирант" деб номланган икки ўқувчимиз Гўзалхон Мақсудова (11- "А" синф) ва Хуршидахон Мақсудова (7 - "Б" синф)лар Ўзбекистон ФА Тарих институтининг аспирантлари А.Қаюмов ва А.Ашировлар раҳбарликларида илмий асосда ёзган "диссертация"ларини ҳимоя қилдилар. Гўзалхон "Ўзбек халқининг шаклланиши жараёнларидаги муҳим омиллар" мавзусида, Хуршидахон эса, "Ўзбек халқининг қадимий қадриятлари" мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Хўш, бу "аспирант"ларимиз нимага эришдилар? Аввало шуни таъкидлаб айтиш жоизки, ўқувчи қизларимиз мактаб ўқув дарсларидан бироз узоқлашиб, талабалар, аспирантлар, ҳаттоки, катта олимлар ўқийдиган махсус адабиётларни қўлга олдилар, раҳбарлари ёрдамида катта фан дейилмиш илм уммонига бир шўнғиб чиқдилар.

Шу аснода: "ўқувчи болага бу "шўнғиш" қимматга тушмайдими?" деган савол ҳам туғилиши табиий. Бинобарин, авалги "ҳимоя"дан сўнг бир тарих ўқитувчиси бу масалани ўртага ташлаган эди ҳам. Лекин ўшанда домла М.Ис-ҳоқов: "Сиз масалага тор қараманг. Ҳозирги ёшларимизга ҳеч қўрқмай катта мавзуларни бериш керак. Улар эплайди. Нега энди европалик ўқувчилар бу каби мавзуларни ўрганади-ю, бизлар ҳали ҳам чўчиймиз? Бизнинг ўқувчиларимиз ҳеч қайси халқнинг ўқувчи болаларидан кам эмас. Чуқур билим беришни ва олишни жаҳон илми талаб қиляпти. Агар биз ҳозир ёшларимизга ишонмасак, қачон ишонамиз?" - деб кескинлик билан жавоб берганлар. Инчунун, бизнинг мактабимизнинг тарих фанига ихтисослашгани ҳам масъулиятни икки каррага кучайтиради.

Кўкракларига "Аспирант" деб ёзилган саккиз бурчакли нишонларини тақиб олган ўқувчиларимиз минбардан туриб, кези келганда хариталардан фойдаланиб, тадқиқотларини баён этиб бердилар.

Таъкидлаб айтиш лозимки, "ҳимоя" иши шаҳар тарих ўқитувчиларининг қўшма семинари иштирокчилари ҳамда қизиқиб келган Тошкент Давлат педагогика университетининг V курс талабалари иштирокида бўлиб ўтди, "Аспирант"ларга ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам саволлар бердилар.

ЎзФА Тарих институти фан оламида кечаётган этногенез масалаларининг янгича талқинини ҳамда қадимий қадриятларнинг 70 йиллик атеистик даврдан кейин мактабларда ўрганилишини мақсад қилиб қўйгани ҳам бежиз эмас. Ўқувчиларимиз, шунингдек, зардуштийлик динида бўлган ибодатлар улар келтирган қурбонликлар ҳақида, "зардуштийлик" ва "оташпарастлик" сўзлари нимани билдиришини аниқ ва равшан таҳлил қилиб бердилар. Бу, гарчи, мутахассисларга маълум бўлса ҳам, мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари даражасида маълум эмас эди.

Семинарнинг якуний қисмида профессор М.Исҳоқов "Ўзбек халқининг келиб чиқиши" мавзуи бўйича илмий маъруза қилди.

Куни кеча "Кичик Академия"мизнинг фаолиятига китоб каталоглари билан ишлашни ўрганишни киритдик. Негаки, ҳозирда кўп талабаларимиз, ҳатто аспирантларимиз кутубхоналарда китобга буюртма беришни, системали каталоглар билан, китоб шифрлари билан ишлаш, китобдан иқтибос, истиҳрож этиш масалаларини яхши билмайдилар. Муддаомиз — бўлғуси талабаларимизни, илм йўлига кирган ёш олимларимизни ўқувчилик давридан бошлаб китоб каталоглари билан таништириш, уларда малака ҳосил қилиш. Ўқувчиларимиз кутубхоналарга қадам қўйиб кирганданоқ кутубхона "маслаҳатчиси"га мурожаат қилмай, вақтларини тежаб, тўғридан-тўғри ўзлари каталоглар билан мустақил ишлаб кетишсин, деймиз.

«...Ҳимоя» тугади. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларига "аспирант"ларимиз жавоб бердилар. Улар қилган "ҳимоя"га профессор М.Исҳоқов шахсий фикрларини ҳам айтдилар. Хусусан, Хуршидахон ёзган илмий ишни юқори баҳолаб, у нашр этиш даражасидаги тадқиқотдир, деган фикрни билдирди. Шунингдек, таҳлилий йиғилишда Гўзалхон билдирган кўп фикрлар ҳам ҳақиқий олимона бўлганлигини ўқитувчилар таъкидладилар. Шу билан бирга ўқитувчилар "аспирант"ларнинг ўзларини минбарда эркин ҳис этиб, фикрларини аниқ ифода этганликларини айтдилар.

Эндиги "Кичик Академия"мизнинг шу ойда бўладиган семинарига навбатдаги "аспирант"ларимиз тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар...

**Мавжуда ВОҲИДОВА,**
**Ҳамза туманидаги Тарих фанига ихтисослашган 216-махсус мактабнинг директор ўринбосари, олий тоифали тарих ўқитувчиси,**

**Илҳомжон НАЗИРЖОН ўғли, шу мактаб директорининг илмий маслаҳатчиси, ЎзФА Тарих институти илмий ходими**



*Оҳангарон маиший хизмат кўрсатиш коллежида ўқувчилар турли касблар қаторида компьютер техникаси сирларини ҳам эгаллаб борадилар. Айни кунда улар ҳар иккала сабоқни жуда қизиқиш билан ўзлаштиришмоқда.*
***Суратда: компьютер билан мулоқот жараёни.***

**Даврон АҲМАД олган сурат**

## БИР-БИРИГА УЛАНДИ

**Тошкент Давлат юридик институти «Маънавият ва маърифат» бўлими ташаббуси билан республика Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик театрида «Истиқлол қомуси» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни институт ректори, профессор Ҳ. Бобоев очиб, Конституция ва унинг аҳамияти ҳақида тўхталди. Шундан сўнг институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар Конституция моддаларини шарҳлаб ўтишди. Шеър - қўшиқлар ва театр жамоаси томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари анжуманга ўзгача файз киритди. «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси томонидан «Конституция —бахтимиз, қомусимиз» мавзуида ўтказилган анжуман ҳам талабаларда катта таассурот қолдирди. Байрам тантаналари Темурийлар тарихи Давлат музейида давом этди. Унда институт маъмурияти, музей ходимлари ва талабалар иштирок этишди. «Маънавият ва маърифат» бўлимининг бошлиғи А. Раҳмонов, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи М. Толипова, музей директори Н. Ҳабибуллаев, археолог олим У. Исломов, манбашунос олим О. Бўриев ва талабаларнинг чиқиши бўлди.**

**—Миллий қомусимизнинг 7 йиллигига бағишланган илмий анжуманнинг Темурийлар тарихи Давлат музейида ўтказилаётгани рамзий маънога эгадир, — деди 3-ҳуқуқ факультети декани ўринбосари О. Зокирова. —Бобокалонимиз Амир Темур бизга «Темур тузуклари»ни ёзиб қолдирган. У бизнинг буюк меросимиздир.**

**Дилрабо ДАВЛАТОВА**

## ЭНГ КИЧКИНТОЙ БОЛАЛАР УЧУН

Tadbir

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 20-«Ниҳол» илк ёшлилар боғчасида «Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда Монтессори педагогикасидан фойдаланиш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинарнинг мақсади, бола бармоқчаларининг майда мускулларини ривожлантириш, турли хилдаги рангларни, шаклларнинг катта-кичигини илк ёшданоқ ажрата билишга ўргатиш, қизиқтиришдан иборат.

Йиғилишда боғча услубчиси Г.С. Дорофеева «Монтессори педагогикаси—яхлит таълим тизими», боғча мудираси И.А. Байсалова «Монтессори энг кичик болалар учун» мавзуларида иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ўз фикрларини баён қилдилар.

Кенгашда М.Н. Шчербина раҳбарлигидаги биринчи илк ёшлилар гуруҳи тарбияланувчилари «Қуёнчага тош теришда ёрдам берамиз», М.Г. Билялова бошчилигидаги тўртинчи илк ёшлилар гуруҳи дилбандлари «Гулнинг атрофини ғиштчалар билан ўраймиз» машғулотларини намойиш қилдилар. Кенгашда иштирок этган Тошкент шаҳридаги болалар боғчалари мудиралари, услубчилари йиғилишдан катта таассурот олганликларини ва бу услубни ўз боғчаларида қўллаш ниятида эканликларини билдирдилар.

**Д. ХЎЖАЕВА**

## ИНТИЗОМ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

(Боши 1-бетда)

Йиллар давомида "мактабда болам таълим оляпти" деб билимини, тартибини сўраб-суриштириш учун бир марта ҳам келмаган ота-оналар бор. Тўғрироғи, бундай ота-оналар мўмайгина даромад кетидан қувиб, болаларини аъло даражада кийдириб-едиришмоқда. Аввало, ўша ота-онанинг ўзи ўқитувчини ҳурмат қилмайди. Маънавият аввало оиладан бошланиши сир эмас. Ота-она маънавиятли, маърифатли бўлсагина, болалар ҳам худди шу йўлдан боришади. Бу билан мен мактабдаги кўп ўқувчиларнинг интизоми оғир аҳволда демоқчи эмасман. Албатта, интизомли, ахлоқли ўқувчилар кўп.

Яқинда мен Собир Раҳимов туманидаги 4 та мактаб ўқитувчилари билан дилдан суҳбатлашдим. Улардан бири — 60 ёшли Н. исмли ўқитувчи аёл шундай деди: "Ўтган йили 10-синфда тартибсиз болалар кўп эди. Шулардан бири Ф. исмли бола дарс давомида ҳаммага халақит бериб ўтирар, мен эса танбеҳ беришдан чарчамасдим. Охири қаттиқроқ танбеҳ беришга мажбур бўлдим. Шунда у мени сўкиб, чиқиб кетган. Унинг ота-онасини мактабга бир неча бор чақирдим, келмади. Охири ўзим уйига бордим. Бориб ойиси билан гаплашсам, пинагини ҳам бузмади. Аксинча, менга "Ноҳақ уришгансиз-да, боламни" деди. Ана сизга тарбия?!

М. исмли, 50 ёшли ўқитувчи аёл: "Ўтган йили 6-синфларни ўқитар эдим. Бир куни ҳужжатларим билан пул солинган ҳамёним синф хонасида йўқолиб қолди. Ўқувчиларимга буни очиқ айтдим ва турли усуллардан фойдаланиб, ўз таъсиримни ўтказдим. «Ҳеч бўлмаса, ҳужжатларимни қайтариб қўйинглар, барака топкурлар! Пулимдан воз кечдим!» деганимдан сўнг ўқувчилардан бири талабимни бажо келтирди. Лекин кимлиги ҳамон номаълум. Ана сизга тарбия!"

Ҳамкасбларимнинг фикрларини эшитар эканман, ҳайратдан қотиб қолдим. Наҳотки, болалар ўқувчилик пайтидаёқ ўғрилик содир этишса? Ота-оналари буни билармикан?. Бехосдан бу аёлларнинг бардоши, сабрига балли дегим келди. Хўп, ўқитувчи-ку сабр қилар, аммо эртага бу болаларнинг келажаги қандай бўлади? Нега ота-оналар ўз фарзанди тарбиясига бу қадар эътиборсиз қарайдилар?

Мактаб—кичик давлат. Унинг ўз сиёсати бўлиши лозим. Менинг фикрим — қандай йўл билан бўлмасин, мактабда интизом яхшиланиши керак. Ахир қачонгача маърифат бешигида улғаяётган болалар (ёки ота-оналар) уни тебратаётган қўлларни беҳурмат қилишади?

**Дилдора БОЙМУРОДОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 196-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси**

## ФИКРГА МУНОСАБАТ

**1999 йил 1 декабрдаги «Маърифат» газетасида чоп этилган «Оламни ўргатади» мақоласи юзасидан (6-синф «Botanika» дарслиги хусусида) амалиётчиларнинг фикрларига методист ва олимлар муносабати**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ умумтаълим мактабларининг ўқитиш дастурини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиш, унинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан изчиллигини ва пухта боғлиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига кўра бошқа фанлар қатори биология фанидан муаллифлар гуруҳи 6—9-синфлар учун «Botanika», «Зоология», «Одам ва унинг саломатлиги» ҳамда умумий биология курсларининг дастурларини қайта тузиб чиқдилар. Ўқувчиларнинг ёшига мос келмайдиган мураккаб мавзулар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўрганишга ҳамда қуйи синфдаги айрим мавзуларни 9-синфда Биология (Цитология ва генетика асослари) курсида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Масалан: ботаника ўқув дастуридан «бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар», «қишлоқ хўжалиги экинлари» каби мавзулар шулар жумласидандир.

Янги ўқув дастури тажриба-синов майдончаларида муваффақиятли синовдан ўтди. Муаллифлар Ў. Пратов, Т. Одилов, У. Тошмуҳамедовлар 6-синф «Botanika» дарслигини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси бўйича қайта ишлаб бердилар. Дарслик «Ўқитувчи» нашриётида 1999 йил қалин муқовада, маҳаллий материалларнинг рангли расмлари билан чоп этилди.

Тажриба-синов натижаларига асосан, 5-синфда ўқитиладиган «Tabiyot» курсидаги биология бўлими ажратиб олиниб, «Botanika»га берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 август «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига берилган иловага асосан ўқув режада «Biologiya» фани 5-синфда ҳафтасига 1 соат 6,7, 8, 9-синфларда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

Шунга кўра, «Botanika» курси 88 соат, «Зоология» курси 82 соат ўқитилади. «Botanika» курсининг 34 соати 5-синфда, қолган 54 соати 6-синфда ўқитилади. «Зоология» 6-синфнинг 4-чорагида 14 соатлик курс билан бошланади.

Янги дастурга биноан бундай тақсимлаш мавзуларни кенгроқ тушунтириш ва лаборатория машғулотларини кўпроқ ўтиш имконини беради. Масалан: «Ҳужайра» бобига 5 соат ўрнига 7 соат, «Илдиз» бобига 6 соат ўрнига 7 соат, «Поя» бобига 6 соат ўрнига 8 соат, «Барг» бобига 5соат ўрнига 7 соат, «Гул» бобига 4 соат ўрнига 7 соат, «Мева ва уруғлар» бобига 5 соат ўрнига 6 соат, «Ўсимликлар систематикаси» бобига 11 соат ўрнига 17 соат ва бошқа мавзуларга ҳам соатлар қўшилди.

Муаллифлар янги тасдиқланган дастур ва ўқув режа асосида 5—6-синфлар учун «Botanika» дарслигини тажриба-синов майдончаларидаги ўқитувчиларнинг таклиф ва истаклари асосида қайта ишлаб чиқдилар. Мазкур дарслик биология фани илмий-методик кенгашнинг 1999 йил 13 октябрдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилди.

Муҳокамадан ўтган 5—6-синф «Botanika» дарслигида таълимда узлуксизликни таъминлаш кўзда тутилган, яъни «Botanika» дарслигида ўсимлик ҳужайрасини ўрганиш тўғрисида умумий тушунча берилса, юқори синфларда ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг органоидлари чуқурроқ ўрганиб борилади.

Энди мақолада келтирилган «Фотосинтез» мавзусига тўхталадиган бўлсак,

Aks-sado

бу хусусда дарсликнинг янги нашрида чуқурроқ маълумот бериш, муаллифлар томонидан инобатга олинган. Шунингдек, дарсликнинг янги нашрида ҳар бир бобдан кейин тест саволларидан намуналар бериш кўзда тутилган. Маълумки, Ў. Пратов ва У. Тошмуҳамедовларнинг бугунги кунда фойдаланиш учун 1999 йил «Ўқитувчи» нашриёти орқали чоп этилган «Ёрдамчи тестлар» тўпламида «Ботаника»га оид 200 дан ортиқ тест саволлари берилган.

Дарсликнинг янги нашрида бобларнинг охирида дарсга қўшимча маълумот сифатида берилган «Билиб қўйган яхши»— янгиликлари ўлкамизда ўсадиган ўсимликлар мисолида кенгайтирилган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, янги нашр этилган 5-6–синфлар учун «Botanika» дарслиги ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда замон талаблари даражасида мукаммаллаштирилди. Шу ўринда мазкур дарслик юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирган амалиётчи ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, келгуси ишларида ютуқлар тилаб қоламиз.

**Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ,**
**РТМ бўлим бошлиғи,**

**Азиз АЪЗАМОВ,**
**А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ табиий фанлар кафедраси мудири, доцент**

## «МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Таҳририятимизга келаётган хатлар ҳар жойдан ва мазмунан фарқли. Уларнинг ҳар бири эътиборимизда туради. Аксарияти сайқалланиб, газета юзини кўради. Айримлари текшириш учун мутасадди идораларга жўнатилади.***

***Бир туркум хатларни эса қисқагина қилиб "Саволлар" дейиш мумкин. Узрли сабабларга кўра, анчадан бери газетамиз саҳифаларида бундай хатларга жавоб мазмунидаги "Маърифат" маслаҳатхонаси" берилмай қолди.***

***Савол-мактублар жуда кўп. Уларнинг кўпчилиги мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин, яъни ўқитувчиларга сув, газ, электр ҳақи тўлашда қандай имтиёзлар белгиланган?***

***Қуйида ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ижтимоий масалалар бошқармаси бош мутахассиси Зулфиқор Холмирзаев жавоб беради.***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарорига биноан, фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлашда (оиладаги пед.ходимларнинг сонидан қатъий назар) қишлоқ ўқитувчилари бир ойга 110 квт/соат учун 100 фоиз, шаҳар ўқитувчилари эса 50 фоиз имтиёзга эгадирлар. 110 квт/соатдан ошиғига эса белгиланган тариф бўйича ҳақ тўланади.

—Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорига биноан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф меъёрлари қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 11 январдан 06-03-17/54-сонли хатида қуйидагича имтиёзлар мавжуд:

Бир оилага ойига 40 кв.м. иситиладиган майдон учун (оиладаги пед. ходимларнинг сонидан қатъий назар) имтиёз;

Овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

—марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонлардан имтиёздан фойдаланувчи ҳар бир фуқаро учун бир ойда 9 куб.м имтиёз;

—марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда имтиёздан фойдаланувчи ҳар бир фуқаро учун бир ойда 12,5 куб.м имтиёз белгиланган.

Ушбу белгиланган имтиёзлар бўйича ҳисоб-китоблар 1999 йилнинг 1 январидан (1998 йил учун олдинги тартибга асосан) амалга оширилади. Бу имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фоиз ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида: "сув ва газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш квартира ва уйларда — квартира ва уй-жойлар мулкдорлари ҳисобига амалга оширилади", дейилган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда барча таълим-тарбия муассасаларининг ҳисоб-китоб ва бошқа пулли муаммолари фақат маҳаллий бюджет орқали ҳал қилинади.

Халқ таълими тизимининг бошқарув органларида ишловчи педагог ходимлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги фармонларида белгиланган маиший хизматлар (сув, табиий газ, электр токи ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги фармонларига асосан, хусусийлаштириб олинган уй совға қилинса ёки сотилса, бу педагог ходимга бошқа яна шундай имтиёз берилмайди.

## ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Darslarni kuzatganda

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 162-мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Султонхўжа Орифхўжаевни ўзи меҳнат қилаётган жамоа аҳли устоз деб эъзозлашади. Гап шундаки, устоз жуда кўп изланади. Аввало, у ўқув режасини амалга оширишнинг йўл ва усуллари устида узоқ ўйлайди. Масалан, устоз ўқув йили бошидаёқ 5—6-синфларда «Ватан туйғуси», 7,8, 9-синфларда «Маънавият асослари» фани дарсларини қандай ва қай тартибда олиб бориш, Конституция кунига бағишланган байрамолди тадбирларини қай тарзда ўтказиш режаларини тузади. Чунки ўқувчилар бу байрам моҳиятини тушунишлари, Конституцияда белгиланган ҳар бир модда, бандни ўзлаштиришлари, таъбир жоиз бўлса, ёд олишлари, ҳуқуқ ва бурчларини билишлари, келажакда унга амал қилишлари зарур бўлади. Негаки, ўқувчи ҳуқуқий таълимсиз мустақил фикр юритишда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда анча қийналади.

Фидоий муаллим шулар ҳақида чуқур мушоҳада қилиб, «Конституция берган саодат», «Ватанни севмоқ фарздир», «Қонун ва адолат — фаолиятимиз мезони», «Истиқлол ва Конституция», «Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал», «Конституциямиз — демократик сайловлар асоси» мавзулари режасини тузди.

Маълумки, ҳар бир янгиликни, жамиятимиздаги ўзгаришларни истиқлолсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, Султонхўжа ака 7-синфдаги «Истиқлол ва Конституция» деб номланган бир соатлик дарсни Ватан туйғуси муқаддаслиги ҳақидаги тушунчалардан ҳамда истиқлол берган имкониятлар тавсифидан бошлади ва синф тахтасига дарс режасини қуйидагича ёзди:

1. Истиқлол ва истиқбол.
2. Президентимиз — фахримиз.
3. Ватан ҳақида қўшиқ.
4. Ватанни севмоқ иймондандир.
5. Қадрият ва анъаналар муқаддас.
6. Бурч, вазифа ва масъулият.
7. Сайловлар — жамиятдаги демократик жараёнларни такомиллаштириш омили.

Бир соатлик дарсни кузатиб, шунингдек, муаллимнинг ўқувчиларни мулоқотга чорлашидан ҳамда тушунчалар баёнида мисолларга мурожаат қилишидан шу нарсага амин бўлдикки, у дарсни маромига етказиб ўтишни, ўғил-қизларни жуда севади. Шу билан бирга ҳуқуқий билим ва кўникмаларни ўқувчилари атрофлича ўзлаштириб олишларини хоҳлайди.

Сирасини айтганда, ўқитувчининг дарсни ўтилган мавзу билан боғлаб, машғулотнинг ҳар бир режасини аниқ мисоллар қаторида турли хил чизмалар ва Президентимиз Ислом Каримов асарларидан ҳамда Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайриддин Султонов, Нарзулла Жўраевларнинг «Ватан туйғуси» ва бошқа кўплаб адабиётлардан ўринли фойдаланиши, Конституция китобидан керакли моддаларни айтиб ўтиши, болалар билан жонли мулоқотда бўлиши дарснинг қизиқарли ўтилишига олиб келди. Ўқитувчининг қадрият, мерос, анъана, ғурур, иймон, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, ҳуқуқ ва тарбия тушунчаларига алоҳида урғу бериши эса дарснинг катта ютуғи бўлди.

Дарс охирида мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар берилди: «Ўғил-қизларнинг Ватан олдидаги бурчларини айтинг?», «Фуқароларнинг Конституциявий бурчларини санаб беринг?», «Нима учун ҳозир қадриятларимизга катта эътибор берилаяпти?». «Ватанпарвар инсонда қандай фазилатлар мужассам бўлиши керак?».

Синфда яна жонланиш, баҳс-мунозара, бир-бирларини тўлдиришлар...

Хаёлимизда дарс тез тугагандай бўлди. Болалик билан мулоқот бизга хушнудлик бағишлади гўё. Ажиб бир кайфиятда дарсдан чиқдик. Назаримизда, болалар муаллимнинг дарс ва машғулотларини яна кутади. Негаки, яхши дарс тез тугайди, ўқувчи толиқмайди. Муҳими, ўқувчи муаллими билан, устози билан мурғак қалби ила баҳсга киришишга, унинг саволларига бурро-бурро жавоб беришга ҳозирлик кўради, изланади. Ҳозирги замон дарсларига қўйилаётган талаб ҳам аслида шу: ўқувчини эркин фикрлашга, мустақил мутолаага, мустақил ишлашга ўргатишдир.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

Taqriz

# ТАРИХ АТАМАЛАРИНИ ИЗОҲЛАЙ ОЛАСИЗМИ?




Ўтмишимизни янгидан, ҳаққоний ўрганишимиз учун тарихга доир атама ва тушунчаларни, ҳодиса ва воқеаларни, жараён ва қадимий манбаларни ифодаловчи сўзларнинг асосий маъноларини тўғри изоҳлашимиз зарур. Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган Зоир Чориевнинг "Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати" қадимги ва ўрта асрларга оид махсус сўзларнинг изоҳини ўз ичига олган. Луғат муаллифи мавжуд туркий, ўзбекча, форсча ва бошқа луғатларни кўриб чиққан ва улардан кенг фойдаланган. Луғатда берилган атамаларнинг этимологик жиҳатдан қайси тилга тегишли эканлиги кўрсатилган. Бу айниқса, тарих учун жуда зарур. Чунки сўзнинг тарихий келиб чиқишини билмасдан унга изоҳ бериб бўлмайди. Кўпгина атамаларнинг этимологиясидан уларнинг маъноси ва қўлланиши билиниб туради. Масалан, "дамгар" сўзи темирчилик устахонасида босқонни босиб, дам бериб, оловни ёндириб турадиган хизматчини ифодалайди. Шунингдек, "қўш пули" атамаси туркийда Бухоро амирлигида XX аср бошларида ҳар бир жуфт иш ҳайвони ҳисобидан олинадиган солиқ турини англатади. Қадимий тарихимизга доир атамаларнинг баъзилари юнонча, санскритча ва сўғдча бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган. Жумладан, сўғдча **варғ** чўп, шох-шабба, тошдан кўтарилган сув банди маъносида қўлланган. Шунингдек, юнонча **дирҳам** ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси.

Луғатда баъзи тарихий атамаларга кенг изоҳ берилгани эътиборга моликдир. Шундай атамалар сирасига **бобурийлар, темурийлар сулоласи, суюрғол, султон** ва ҳоказолар киритилиб, уларга кенг изоҳ берилган. Ўзбек халқи таркибига кирган уруғларнинг номларини ифодаловчи атамалар ҳам луғатдан ўрин олган.

Тарих шундай кўп қиррали фанки, унда мавжуд атамалар турли соҳаларга тегишлидир. Шу сабабли баъзи атамаларни фақат тарихга оид деб бўлмайди. Чунки бу атамалар ҳуқуқ, касб-ҳунар, унвон, дин ва бошқа турли соҳаларга тегишлидир. Луғатда турли фанлар ва уларнинг соҳаларини ифодаловчи тарихий атамалар ҳам келтирилган. Бу атамаларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди, лекин тарихий асарларда, қадимий манбаларда учрайди. Шу сабабли, уларнинг мазкур луғатга киритилгани мақсадга мувофиқдир. Луғатда кўпчиликка маълум бўлган атамалар берилган, лекин уларнинг этимологиясини ҳар ким ҳам билавермайди. Масалан, **авом, дажжол, даллол, жарида, мисқол** ва бошқа сўзлар арабча, **жиловдор, лангар, мавзиъ, поёндоз, раста** каби сўзлар форс тилидан олинган.

Мазкур луғат айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Унда кўпгина атамаларнинг этимологияси берилмаган. Бундай атамаларга **бактар, йазид, нахшаб, нарда** ва бошқаларни киритиш мумкин. Муаллиф этимологияси номаълум атамаларга сўроқ белгиси қўйилган деб ёзади, лекин луғатда бунга риоя қилинмаган. Луғатда **садақа** атамасининг русча эканлиги нотўғри берилган. Албатта, мазкур луғат келгусида тўлдирилади, нуқсонлари тузатилиб қайта нашр этилади ва тарихимизни ўрганишда дастуриламал бўлади, деб ишонамиз.

**Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ТошДУ профессори**

Maktabgacha ta'lim

# ИЗЛАНИБ ИШЛАСАК...

Тўрткўл туманидаги 1-болалар боғчасининг аҳил жамоаси доимо изланиб ишлашга ҳаракат қилишади. Яқинда боғчада Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши бўйича семинар-кенгаш ўтказилди. Семинар-кенгашда тумандаги мактабгача таълим муассасалари мудирлари, мактабларнинг бошланғич синфлар бўйича директор муовинлари иштирок этдилар.

Анжуман бошланиши олдидан 28 йиллик тажрибага эга бўлган боғча мудираси Санамжон Отажонова кичкинтойлар масканида бугунги кунда олиб борилаётган ишлар тўғрисида қисқача шундай деди:

— «Тарбиячи» деган сўзни мен барча фанлар ўқитувчиси деб тушунаман. Нимага деганда боланинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш, уни овутиш, турли ўйинлар ўйнатиш, замонавий билимга эга қилиш, касб-ҳунарга қизиқтириш унинг вазифасидир. Биз ишимизни худди шу мақсадлардан келиб чиқиб ташкил қилганмиз.

Кенгаш қатнашчилари боғчанинг катта гуруҳида ўтказилган очиқ машғулотларда дилбандларнинг Ватанни қай даражада билишларининг гувоҳи бўлдилар. Ўзга сайёрадан тушган одам билан мулоқотда бўлган кичкинтойлар унга Ўзбекистон тўғрисида, унинг табиати, одамлари, байроғи, мадҳияси, ўз боғчалари тўғрисида гапириб бердилар. Ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилида шеърлар айтдилар.

Меҳмонлар боғчанинг янги таъмирланиб, жиҳозланган спорт залида ўтказилган спорт машғулотларини томоша қилиб, спорт шинавандаларининг чаққонлиги, зийраклигига юқори баҳо бердилар. Боғчада ташкил қилинган касб-ҳунарга ўргатиш хонасида болаларнинг ҳозирдан бошлаб ҳунарлар тўғрисида тушунча олишлари учун барча шароитлар яратилган. Дурадгорлик, кулолчилик, тикувчилик, рассомлик сингари касб-ҳунарлар ҳақида тушунчага эга бўлибгина қолмасдан, балки болаларнинг ўзлари шу ерда ўтириб, турли машғулотлар билан шуғулланишлари мумкин.

Боғча ходимлари билимларини оширишлари учун "Маънавият ва маърифат" хонасида турли бадиий адабиётлар, илмий рисолалар, Президентимизнинг асарлари, кўргазмали қуроллар қўйилган. Бу ерда боғча фаолиятига доир кўпгина янгиликларни билиб олиш мумкин. Боғчанинг логопед ва инглиз тили синфида ҳам кичкинтойларнинг нутқ ўстириш, чет тилини ўрганиши учун шароитлар мавжуд.

"Зиёкор" ва "Фидокор" гуруҳларига бўлинган тарбиячилар "Изла, ўйла, топ" деб номланган қизиқарли беллашувни намойиш қилдилар. Беллашувнинг шартларида болалар тарбияси учун нималарни билиш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. Тарбиячиларнинг назарий билими, ҳунари, санъаткорлиги, чаққонлиги турли босқичларда акс этиб турди.

— Албатта, изланиш бор жойда ютуқлар ҳам бўлади, — дейди боғча услубчиси, I даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори Жамила Хўжаева. — Фаолият кўрсатаётган 12 гуруҳдаги 200 нафар кичкинтойларнинг қай даражада камол топиши бизга ҳам боғлиқ. М.Бобожонова, О.Болтаева, Е.Яковлева, А.Аннамуротова, Р.Полвонова, М.Панаева сингари тажрибали тарбиячиларимиз чин маънода кичкинтойларнинг опажонига айланган. Улар болаларнинг боғчага қувониб қадам қўйишлари учун бор маҳоратларини сарфламоқдалар. Жамоамизнинг ўзаро дўстлик, ҳурмат, бир-бирини тушуниши бизга кўп ёрдам бераётир.

"Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" Санамжон Отажонова бугунги бозор муносабатлари шаклланаётган бир даврда дилбандларнинг таълим-тарбияси борасида бир нафас тиниб-тинчимайди. Боғчани зарур жиҳозлар билан таъминлаш, таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бу масканда меҳнат қилишга, болаларнинг соғлом ўсишига етарли муҳит яратилган. "Соғлом авлод учун", "Соғломжон — полвонжон, "Йил тарбиячиси", "Тиллар фестивали" каби Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб ўтказилган кўрик-танловларда боғча ходимлари фаол қатнашиб, олдинги ўринларни олиб келяптилар.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларни Ватанимиз келажагини янада порлоқ қиладиган инсонлар сифатида шакллантириш савобли, хайрли ишдир. Буни "Бойчечак" боғчаси фидоийлари яхши тушунадилар.

**Курбонбика ЮНУСОВА**



*Озода Тожибоева Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 56-мактабда 35 йилдан буён бошланғич синфларга дарс бериб келади. Ҳозир унинг кўплаб шогирдлари ҳам устоз билан елкама-елка меҳнат қилишаётир. Хуллас, устоз болажонларга илм ўргатиш бобида катта тажрибага эга.*

***Суратда: Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи О.Тожибоева 3-синф ўқувчиларига табиат бурчагида хонаки гулларни қандай парваришлаш тўғрисида маслаҳатлар бермоқда.***

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

Fikr

# ЎҚУВЧИ НИГОҲИДАГИ ЎҚИТУВЧИ

## ёхуд педагогик муносабат нима?

*Педагогик муносабат — бу, педагог ва таълим олаётганларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати усуллари системасидир, бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамжиҳатлик тушунилади. Ҳозирги кунда мактаблардаги асосий муаммолардан бири шу ҳамжиҳатликнинг йўқлигидир. Мактаблардаги кўпчилик ўқитувчиларимиз ўқувчига нисбатан муносабатда «Таълим-тарбия олувчи объект» сифатида ёндашишади. Бу ёндашиш тўғрими, ёки...?*

*Фикримизча, бу нотўғри ёндашишдир.*

*Мактабларимизда ўзининг хулқи, одоби, маданияти, касбий маҳорати ва барча ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган маҳоратли ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади. Улар ўқувчиларни ўз фарзандларидек қабул қилиб, ўзаро иззат-ҳурмат асосида муносабатда бўладилар, яъни улар ўқувчида «Таълим олувчи объектни» эмас, балки «Таълим-тарбия жараёнида иштирок этаётган «шахс»ни кўрадилар. Лекин шу билан бирга ўз касбий маҳоратига эга бўлган, аммо ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилмайдиган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас.*

*Ибн Сино «Кимга қандай насиҳат қилсанг, аввало, ўзинг шунга амал қил» деб бежиз айтмаганлар. Чунки ўқитувчи ҳамиша ўқувчилар нигоҳида бўлади.*

*Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат шундай бўлиши керакки, аввало ўқитувчи уларни инсон, шахс деб қабул қилиши керак. Ўқувчи тартибсиз экан, демак бунда ўқитувчининг ҳам камчилиги бор. Баъзан ўқувчилар билан юракдан, очиқ гаплашганда, улардан айрим ўқитувчиларга нисбатан норозилик аломатларини эшитасиз.*

*«Муаллимлар бизнинг билимимизни адолатсизлик билан баҳолайди», «Ўқитувчимиз жуда ҳам талабчан», «Ўқувчини ҳақорат қилиш ёки уриш мумкинми?» каби фикрлар билдирадилар. Ўқувчиларнинг ушбу сўзларини эшитиб, чуқур ўйга толасан киши. Баъзи ўқитувчилар яхши билимга эга, дарсни ҳам талаб даражасида олиб борадилар, лекин деярли кўпчилик ўқувчилар уларни хуш кўрмайдилар. Нима учун? Бу ҳолатни бизнингча қуйидагича изоҳлаш мумкин:*

*— Биринчидан, улар ўқувчи шахсини ҳурмат қилмайдилар;*

*— Иккинчидан, ўқувчи қалбига йўл топа олмайдилар;*

*— Учинчидан, ўқувчилар билимини баҳолашда баъзан адолатсизликка йўл қўядилар.*

*Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларда ўқитувчиларга нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради. Авваламбор, ўқитувчи адолатли, меҳрибон бўлиши, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши даркор. Агар уларда ушбу фазилатлар шаклланмаган бўлса, таълим-тарбия жараёнида камчиликка йўл қўйишлари табиий ҳолдир.*

*Боланинг нозиккина, пок қалбига озор беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, чунки бола қалби бамисоли шишадек тиниқ бўладики, бир оғиз нотўғри сўз шишадек кўнгилни чилпарчин қилиб синдириб қўйиши мумкин.*

*Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ўқувчига нисбатан нафақат талабчан бўлиши керак, унга нисбатан ҳурмат ва ишонч билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча талабчан бўлмасин, унинг энг арзимас танбеҳлари ҳам таъсирчан бўлади.*

*Ҳозирги давр миллий ғурурни шакллантириш талабини қўяётган бўлса, бу жараён ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир. Агар ўқитувчилар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз-ўзини ҳурмат қилишга ўргатмасалар, ўз навбатида, ўқувчиларда бу туйғу шаклланмаса, улар бошқаларга нисбатан ҳурмат туйғусини кўрсатмайдилар.*

*Педагогика ва психология фанида тарбия ишлари тарбиячилар томонидан онгли равишда амалга ошириладиган фаолият эканлиги таъкидланади. Бироқ, фаолиятни амалга ошириш учун зарур мақсадни аниқлаб, мақсадга эришишнинг керакли воситаларини мулоҳаза қилиб танлаганимиздан сўнг уни онгли фаолият деб аташ мумкин бўлади.*

*Бу эса тарбиячидан болаларни ташқи кўриниши ва руҳий ҳолати, уларнинг мотивларини инобатга олган ҳолда хулқи, характери ва хатти-ҳаракатларини ўргатувчи «Инсон тўғрисидаги маълумотларни» билиши зарурлигини англатади.*

*Педагог-тарбиячи улғаяётган инсон шахсини «бўлаклар бўйича» тарбиялаб бўлмаслигини ёдда сақламоқлари керак. Тарбиячилар ва ўқувчилар ақлий, ахлоқий, маънавий, эстетик ва меҳнат тарбияси тўғрисида кўпгина тавсияларга эгадирлар, бироқ амалиётда инсонда ҳар бирига алоҳида мос келувчи шахсий сифат ва хусусиятларни тарбиялашнинг имкони йўқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ўқувчиларни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш талаби қўйилган.*

*Ёш авлоднинг қай тарзда улғайиши кўп жиҳатдан ўқувчига ва ота-оналарга боғлиқ. Педагог меҳнатининг якуний маҳсули — ҳам руҳан, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан яхши шаклланган, муайян касб эгаллашга ижобий муносабатли, билим, малака ва касб билимига эга бўлган шахсни тарбия қилиб етказишдир.*

*Биз тарбиялаётган баркамол авлод муқаддас саналмиш Ватанни астойдил севадиган ва қадрига ета оладиган, мустақил, буюк Ўзбекистон учун жон фидо қиладиган ёшлар бўлиб етишишларига эришишимиз зарур.*

*Ҳолбуки, мактаб юрт келажагининг қуёшидир.*

**Р.АБДУРАСУЛОВ,**
**М.АҲРОРҚУЛОВА,**
**Н.КАМОЛОВА,**
**Жиззах ВПХМОИ ўқитувчилари**

Tanlov

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Куни кеча Республика таълим марказида АКСЕЛС ташкилоти томонидан республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда инглиз тили ўқитувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. АКСЕЛС ташкилоти республикамизда 3 йилдан буён «Энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» танловининг бош ташкилотчиси ва ҳомийси бўлиб келмоқда. Юртимиздаги инглиз тили ўқитилаётган мактабларнинг деярли ҳаммасидан инглиз тили ўқитувчилари қатнашиб келмоқдалар. Бу йил ҳам бир неча босқичда ўтган танлов ғолибларини тақдирлаш учун ўтказилган йиғилишда АКСЕЛС ташкилотининг Ўзбекистондаги директори Майкл Корас иштирок этиб, ғолибларга сертификатлар ва 200 долларлик ўқув қуроллари топширди.**

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

Umr mazmuni

# БАРИГА УСТОЗСАН, ЎЗИНГ МУАЛЛИМ



Фориш тумани марказий касалхонаси музейини кўздан кечираётиб Исроил Иброҳимов ҳақидаги маълумотлар диққатни тортди: номи республикага танилган моҳир жарроҳ, рассом, ҳайкалтарош, ўнга яқин тилда бемалол гаплаша олади... Рости, ўша топда биринчи бўлиб хаёлимдан: «Чекка бир туманда шундай инсон қаердан пайдо бўлди экан?» деган савол кечди. Тўғрисини айтганда, Форишда бундай серқирра шахсларни тарбиялаб камолга етиштириш учун зарур бўладиган шарт-шароит ҳам ҳаминқадар бўлган.

У ҳолда Исроил Иброҳимов шахси-камоли қаерда шаклланди?

Оилада!

Зиёли инсонлардан таралган нур теварак-атрофдагилар учун комиллик йўлини ёритади, кўплаб одамлар ундан зиё-маърифат оладилар. Табиий, бу нур, аввало, зиёли оила аъзоларининг тақдирини нурафшон этади.

Иброҳим Мустафоев Жиззахда биринчи очилган рус-тузем мактабининг ўқитувчиси эди. Қачон дейсизми? Нақ 1917 йили! Шароф Рашидовга биринчи синфда ҳарф танитган ҳам шу киши! У ёғини сўрасангиз, Иброҳим Мустафоқулов Ҳамид Олимжоннинг волидаси Комила ая билан Бухорои шарифда муаллимликка ўқишган.

Ҳам руҳоний, ҳам дунёвий таълимотни чуқур ўзлаштирган ўқитувчи сифатида Иброҳим Мустафоқулов энг қийин шароитларда ҳам ўз атрофида зиёли муҳит ярата олган экан. Шу маънода мен «Форишда шарт-шароит йўқ эди» деган гапимдан қайтаман, чунки ҳар қандай жамиятдаги соғлом муҳит оилалардаги муҳитдан тарқайди ва у мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш учун хизмат қилади. Форишда эса бундай оилалар кўп экан.

Иброҳим ота ва Ҳалима ая оиласида ана шундай зиёли, маърифатли муҳит вужудга келди.

— Болалик чоғларимизда «Конструктор» деган ўйинчоқ бўлар эди, — деб эслайди Ҳасан ота Иброҳимов, - отамиз оқшом уйга қайтгач, биз ясаган шаклларни кўздан кечирар эдилар. Укам Исроилнинг ясаганлари ҳаммамизникидан ажралиб турар эди. Биз беш ака-ука улғайдик, болалик-да, орамизда рақобат кучли эди. Лекин сариқ тупроқдан турли жонивор ҳайкалчаларини ясашда ҳам Исроилга ҳеч биримиз бас келолмас эдик. У ясаган лойҳуштакларни пуфласангиз худди най чалгандек бўлар эдингиз!

Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, эҳтимол, ўша ўйинчоқ ясашлар асносида кўзга ташланган истеъдод аста-секин улғайиб, шох отиб салоҳиятли бир чинорга айлангандир?..

Иброҳим ота ниҳоятда маърифатпарвар инсонлардан эди, раҳматли. У киши, «Билак - бирни йиқса, билим - мингни йиқади» деган гапни кўп айтар, бу ҳикмат унинг бамисоли ҳаётий шиорига айланган эди. Фарзандлари улғайиб, ҳаёт йўлини танлаётганида уларга бир гапни уқтирди: «Ҳаммаларинг бир соҳанинг бошини тутсаларинг бир жиҳатдан яхши, лекин иккинчи жиҳатдан турли соҳадан кетсаларинг бир-бировингга ёрдам берасанлар, вақти келганда, қўллаб-қувватлайсанлар...»

Отанинг бу ўгити фарзандларнинг ҳаётида ўз аксини топди: Муҳаррам бошланғич синф ўқитувчиси, Наримон - инженер-тикувчи, Ҳасан -ўқитувчи, Ҳусан - қурувчи-инженер, Исроил - шифокор, Каримжон -ички ишлар соҳасида криминалист, Фарҳод - шифокор бўлишди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу оила ўғил-қизларининг барчаси ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассислари бўлиб, эл-юрт назарига тушдилар.

Хонадон соҳиби араб, тожик, рус тилларида бемалол гаплаша олар эди, кўп тилни билиш фазилат эмас, зарурият эканини доимо фарзандларига уқтирди. Бу борада ҳам Исроил опаси ва ака-укаларидан анча ўзиб кетди. У Самарқанд медицина институтини битириб қишлоғига тожик тилини мукаммал эгаллаб қайтди. Нима бўлдию, қозоқчани жуда тез ўзлаштирди. Шифокорлар ва шифокор мутахассисларнинг собиқ Иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги анжуманларида иштирок этиш учун тайёргарлик кўрган кезларида мазкур анжуман қаерда ўтказилса, зудлик билан ўша халқ тилини эгаллашга киришиб кетар эди.

Шунинг ўзи маданият тимсоли эмасми?! Баъзан одам теварак-атрофида яшаб турган халқнинг тилини ўрганишга оғринади, буни қийинликка йўяди, эллик йил яшаб, умри ўтса-да, тўртта сўзни уриштириб бир гап тузолмайди.

- Педагогика соҳасида «восприятие» деган сўз бор, яъни қабул қилиш қобилияти. Укам Исроилнинг идрок этиш қобилияти ниҳоятда кучли эди, - дейди Ҳасан ота хотирлаб ўтириб. - Немис, француз, инглиз тилида шунчаки сўзлашибгина қолмай, илмий мақолаларни ёзиш ва маърузалар қилиш даражасига чиққан эди. Эсимда, қишлоғимизда Эмма исмли арман аёли яшар эди. Ўшанга шогирд-ўғил «тутуниб» арманчани ўрганиб олганини айтмайсизми!.. Ҳиндистонга борганида ҳинд, Кубага борганида испан тилини ўрганиб қайтди...

Исроил Иброҳимовнинг ўзи учун қатъий белгилаб олган шиори бор: «Ер юзидаги ҳар қандай миллат вакили билан таржимонсиз гаплашиш, гурунглашиш мумкин, бунинг учун фақат қунт ва истак-интилиш керак», дер эди.

Уни нафақат Фориш туман марказий касалхонасида, балки вилоятнинг олис қишлоқларидагилар ҳам яхши билишар, «Қўли енгил Исроил дўхтир»ни танимаган, у ҳақда эшитмаган одам кам эди.

Нима бўлдию, тунда «Тез ёрдам» оғир аҳволда ётган беморни олиб келди. Кўричакни зудлик билан олиб ташлаш керак! Афсуски, бутун туманда чироқ ўчган, зимзиё қоронғи эди!

- Операция хонасига! Тез, олиб киринглар! - буюрди Исроил Иброҳимов. Ҳамширалар ҳам, кўпни кўрган ҳамкасблар ҳам ҳайрон. Бош жарроҳ жиддий эди. Ўзи шошилинч тайёрлана туриб, йўл-йўлакай уқтирди: - Вилоят маркази олис, у ерга етиб боролмайди. Лампа чироқ келтиринглар. Тўртта, бешта опкелинглар!

Опкелишди, ёқишди. Операция столи теппасига пастга қаратиб тошойна қўндирди. Лампа чироғининг кўзгудан қайтиб тушаётган ночор шуъласида беморнинг кўричаги олиб ташланди!..

Бундай топқирлик тиниб-тинчимас ва инсон имкониятининг чеки-чегараси йўқ деб билган Исроил Иброҳимовнинг ҳаётида оддий ҳодисага, ҳолатга айланган эди. Мармардан ишланган ҳайкаллар, мойбўёқда чизилган суратлар, шеърий илҳом мевалари... Исроил Иброҳимов ўзи туғилиб вояга етган қишлоғини, унинг одамларини улуғлаш йўлларини излади. Шу мақсадда «Қишлоғимиз қариялари», «Қишлоғимиз кампирлари» деб номланган икки қисмдан иборат ҳужжатли хотира фильмни суратга туширди. Серқирра истеъдод соҳиби вафот этганига уч йил бўляпти, бу фильмларнинг қадри эса ошиб бормоқда...

Ҳасан ота Иброҳимов билан узоқ суҳбатлашдик. Халқ маорифи аълочиси, нақ эллик йил муқаддам Жиззахда педагогика билим юртини битирган, сўнг Самарқандда икки йиллик, сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битирган, 80-йилларнинг ўрталарида Ленинград Педагогика академиясида этика-эстетикадан таҳсил олган...

Очиғи, етмишни уриб қўйган мўйсафид отахонга ҳавасим келди, фикрларининг тиниқлиги, дунёқарашининг кенглиги, замон талабларини тушуниши... «Керак бўлса шу ёшимда ҳам ўқишга бораман!» дейди отахон Иброҳимовлар сулоласига хос бўлган шиддат ва қатъият билан!

Бу шиддат, бу қатъият қаердан келди, қаердан мерос қолди?

Ўқитувчи Иброҳим отадан! Иброҳим ота Мустафоқулов бошчилик қилган ва вужудга келтирган маърифатга ташна хонадон муҳитидан!

Айтишларича, Абдулла Орипов машҳур «Муаллим» шеърини айни Иброҳим ота билан қурган суҳбати асносида битган: «Муаллим камолот ичра кўзгудир... Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор, Форобий, Дантени такрор ва такрор. Барини ўқидим, лол қолди ақлим, Барига устозсан ўзинг муаллим»...

Конституциямизнинг 7 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз фавқулодда ажойиб таклифни ўртага ташлади: 2000 йил — Соғлом авлод йили бўлади! Ғоятда улуғ, ғоятда савобли ва ғоятда серқирра ният! Маърифатли аждодларимиз руҳидан таралган зиё нурини авайлаш ва уни келажак авлодлар камолини тарбиялашга сафарбар этиш ҳам авлодни соғломлаштириш демакдир. Мен Форишдаги Иброҳим Мустафоқулов номидаги ўрта мактабда ҳам бўлдим, таниқли жарроҳ Исроил Иброҳимов кўп йиллар ўнлаб, юзлаб беморларга қайта ҳаёт ато этган, дарддан фориғ қилган касалхона йўлакларини айландим. Назаримда, шу маскандан ўтган ўз касбининг фидойиси ва фавқулодда маърифат соҳиби бўлмиш Исроил Иброҳимов тажрибалари, эзгу мақсадлари давом этаётгандек. Бу, шу инсоннинг номи абадийлигидан, қолаверса, Исроил Иброҳимов номи ҳар жиҳатдан абадийлаштирилишга лойиқ ва лозим эканидан далолат эди!..

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

